



ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.



Учрашувда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларни давом эттириш ва натижадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Маслаҳатчи Чакрабарти Ўзбекистон етакчиси раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини, шу жумладан, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш,

жамият ҳаётининг барча соҳаларини трансформация қилиш ва рақамлаштириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш борасидаги ўзгаришларни юксак баҳолади. Мамлакатимизда амалга ошири-

лаётган ислохотларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга Ўзбекистонда бошланган ҳамда демократик принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўла мос ҳолда, конституциявий қурилишнинг илғор миллий ва халқаро тажрибаси асосида амалга

оширилаётган Конституция ислохоти хизмат қилиши таъкидланди.

Сума Чакрабарти бундан буён ҳам янги ўсиш нуқталарини топиш ва рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Ҳукуматида кўмаклашишга бор саъй-ҳаракатини йўналтиришга тайёрлигини билдирди.

Эслабб ўтамиз, Сума Чакрабарти Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланишидан аввал саккиз йил давомида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти лавозимида фаолият юритган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИНING ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Қозоғистон Президентини давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистонда қонунга зид хатти-ҳаракатларга чек қўйиш, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича қўрилган қатъий чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, шу жумладан, sanoat, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика, маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш соҳаларида кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида тайёргарлик кўриш нуктаи назаридан кўп томонлама ва минтақавий ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БЎЛАЖАК САММИТГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ БОРИШINI МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг кенг қўламли кун тартибидagi долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президент Садир Жапаров Қорақалпоғистондаги вазиятни беқарорлаштиришга уринишларга чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон раҳбари томонидан қўрилган қатъий чораларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Бошқа давлатнинг ички ишларига ара-лашишга йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари бўлажак олий даражадаги икки ва кўп томонлама учрашувлар режасини,

шу жумладан, Қўлпонота шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё мамлакатлари саммитига тайёргарлик масалаларини кўриб чиқдилар.

Яқин орада муҳим йўналишлардаги келишувларни илгари суришга қаратилган қатор қўшма тадбирларни ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар минтақавий транспорт йўлақлари ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги йирик инфратузилмавий лойиҳаларни ишлаб чиқишни жадаллаштиришдан манфаатдор эканини таъкидладилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари жорий йил июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашув якунида эришилган келишувлар ихросининг боришини кўриб чиқдилар.

Суҳбат аввалида Тожикистон Президентини давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасида барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо, транспорт ва sanoat, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида йўловчи поездлари қатнови йўлга қўйилгани, Зарафшон дарёсида Яван ГЭСи қурилиши лойиҳаси бўйича амалий ишлар бошлангани мамнуният билан қайд этилди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЕВРОПА КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда ортга қайтмас демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни амалга оширишга кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Еврокенгаш Президенти, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш сари очик ислохотлар йўлини давом эттириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Шу маънода Қорақалпоғистондаги вазиятнинг баъзи бузулган кучлар томонидан издан чиқарилишига йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди. Шарль Мишель жиноий унсурлар томонидан уюштирилган тартибсизликлар натижасида қўрбон бўлганларнинг оилалари ва яқинларига ҳамдардлик сўзларини етказишни сўради.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тайёрланишини яқинда етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

“Преференциялар бош тизими плюс” афзалликларидан фойдаланган ҳолда, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Томонлар амалий ҳамкорлиқнинг аниқ дастур ва лойиҳаларини, энг аввало, “яшил иқтисодиёт”, рақамлаштириш, инновациялар, логистика, қишлоқ хўжалиги, экология, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида илгари суриш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Марказий Осиё минтақасида юзага келаётган вазият ҳамда ЕИ тузилмалари билан кўп томонлама мулоқотнинг даражасини янада юксалтириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, шу жумладан, Афғонистонда мустаҳкам тинчлик қарор топишига кўмаклашиш ва унинг халқига қўлдан келганча ёрдам кўрсатишга қаратилган йирик халқаро тадбирларни мамлакатимизда таъкид этиш масаласи қўллаб-қувватланди.

ЎЗА

ҲАМКОРЛИК

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ АГРОФОРУМИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ
МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Пойтахтимизда Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) қишлоқ хўжалиги вазирларининг биринчи учрашуви ва Туркий агрофорум ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирда тузилмага аъзо мамлакатлар (Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон) қишлоқ хўжалиги вазирлари, кузатувчи давлатлар (Венгрия ва Туркменистон), шунингдек, тегишли идоралар мутасаддилари, соҳанинг етакчи компаниялари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари иштирок этмокда. Тадбир доирасида ТДТга аъзо давлатлар иштирокида B2B учрашувлари ҳам ташкил этилади.

Давоми 2-бетда

ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОРДА

2022 йил 4 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ масалани кўриб чиқди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган туб ислохотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий макон яратиш борасида қизғин иш олиб борилмокда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2022 йил 24 июндаги қарорига

мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси қабул қилингани бу борада муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун лойиҳаси 2022 йил 25 июндан 5 июлга қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди.

Давоми 2-бетда



ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОРДА

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қизгин ташкил этилмоқда. Парламент аъзолари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари томонидан ҳудудларда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда 120 минг аҳоли иштирокида ўтказилган 2 мингдан зиёд учрашувларда конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунириш ишлари олиб борилди. Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жараёнлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Бугунги кунга қадар Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан аҳоли ва фуқаролик жамияти институтларидан жами 57 мингдан зиёд таклиф келиб тушган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, умумхалқ муҳокамасининг дастлабки кунларида келиб тушган таклифлар кунига 700 га яқинни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтга келиб, улар сони кунига 10 мингга етмоқда. Ушбу рақамлар аҳолининг мазкур сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ошиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга қизиқиши тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Аҳоли ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларда мамлакатимизда конституциявий ислохотлар ўз вақтида бўлаётгани таъкидланиб, Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда илгари сурган таклиф ва ғоялари кенг жамоатчилик томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришда фуқароларнинг фаоллиги ортиб бораётгани, келиб тушаётган таклифлар сони тобора ошаётгани умумхалқ муҳокамаси муддатини узайтириш заруратини юзага келтирмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси муддатини 2022 йил 15 июлгача узайтириш ҳақида қарор қабул қилди.

Мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг умумхалқ муҳокамаси давомида Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан Қорақалпоғистон аҳолисидан келиб тушаётган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда билдирган

таклифлари инobatта олинди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70-, 71-, 72-, 74- ва 75-моддалари ўзгаришсиз қолдирилиб, амалдаги нормаларни сақлаб қолиш мақсада мувофиқ, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарига Конституциявий комиссия билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан умумхалқ муҳокамаси давомида келиб тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиш, умумлаштириш, ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, улар асосида Конституциявий қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича ишларни давом эттириш топширилди.

Мажлисида Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини аҳоли ва кенг жамоатчилик орасида тушуниришга доир тадбирларни ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири

ҲАМКОРЛИК

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ АГРОФОРУМИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Айтиш жоизки, мазкур тадбир бугун ҳар томонлама муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳозир дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устувор мақсадлардан бирига айланган. Шу маънода, мазкур анжуман қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд кўп томонлама ҳамкорлиқни баҳолаш ва ТДТ аъзолари ҳамда кузатувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг салоҳият-ли йўналишлари бўйича фикр алмашиш, техник ҳамкорлик, салоҳиятни ошириш ва технологияларни етказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича минтақавий сазй-ҳаракатларни кучайтириш, ўзаро тажриба, илғор амалиётлар алмашинувиға қўмаклашиш каби устувор вазифаларни ўз олдига қўйгани бежиз эмас.

Вазирлар йиғилиши ҳар йили томонлар ташаббуси билан ёки алифбо тартибиде ТДТга аъзо давлатлардан бирида ўтказилиши режалаштирилган.

Форумдан қўзланган мақсад, қишлоқ хўжалигидаги ҳамкорлиқнинг асосий масалалари бўйича ягона муҳокама майдонини яратишдан иборат. Бунга тадбирнинг очилиш маросимиде Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Бағдод Амриев ҳам алоҳида тўхталиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда янгилик ва инновацияларни изчил татбиқ этиш давр талаби эканини қайд этди. Тошкентда биринчи бор ташкил этилган Туркий агрофорум бунда муҳим аҳамият касб этишини билдирди. Зеро, бугун дунёнинг айрим ҳудудларида озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кузатишмоқда. Турли экологик муаммолар маҳсулот ишлаб чиқариш суръати пасайишиға олиб келмоқда.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг жадал ривожланиб бораётгани бугун ушбу муҳим тадбирнинг илк бор ташкил этилганида ҳам яққол намоён бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазир Жамшид Хўжаев. — Бу Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик амалий тус олаётганидан далолат. Озарбайжон Республикасининг ТДТга раислиги даврида бир қатор янги ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, илк бор унга аъзо давлатлар қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашувини ўтказиш ташаббуси маъқулланди. Ушбу тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадида, бизнинг биринчи Туркий агрофорумини ўтказиш таклифимиз тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Туркий агрофорум доирасида агросаноат мажмуасида ўзаро иқтисодий боғлиқлиқни кенгайтириш, жумладан, аъзо давлатлар ва кузатувчилар ўртасида манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда сармояларни сафарбар этишга эътибор қаратилади.

Форумнинг “ТДТга аъзо давлатларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги ялпи сессиясида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги глобал тенденция ва муаммолар, қишлоқ хўжалиги ҳамкорлигида туркий минтақада хусусий сектор иштироки муҳокама этилади.

— Бугунги кунда ТДТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, — дейди ФАОнинг субминтақавий координатори ва Ўзбекистондаги вакили Виорел Гуту.

Қишлоқ хўжалиги ва агросаноат ТДТга аъзо давлатларнинг барқарор иқтимоий-иқ-

тисодий ривожланишининг асосий йўналиши ҳисобланади. Аъзо давлатлар ўртасида тажриба ва илғор амалиётларни алмашиш инвестицияларни кўпайтириш йўллари топиш ҳамда тармоқнинг саноат агробизнесига айланишини таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилган. Унда 1,1 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштириш, 535,6 минг гектар лалми, яйлов ва бошқа ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигиға мўлжалланган ерларни тўлиқ татловдан ўтказиш, суғоришда сув тежовчи тизимлардан фойдаланишни кенгайтириш, пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришда давлатнинг иштирокидан босқичма-босқич воз кечиш, қишлоқ хўжалигида ўртача меҳнат унумдорлигини 1,7 баробар ошириш, тармоқда маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича қўшимча 3,4 миллион тонна қувват яратиш сингари кўплаб аниқ мақсадли чоралар белгиланган.

Умуман, бугун қишлоқ хўжалиги нафақат Ўзбекистон иқтисодиёти, балки дунё мамлакатларининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, жаҳонда соҳа равнақи ҳиддий эътибор қаратишмоқда.

6 июлга қадар давом этадиган мазкур анжуман давомида муҳокама этиладиган масалалар соҳа ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

КОНСТИТУЦИЯНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЎТИШИ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 4 июль кунини бўлиб ўтган мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси муддатини 2022 йил 15 июлгача узайтириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Парламент куйи палатаси маълумотиға кўра, бугунги кунга қадар конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан аҳоли ва фуқаролик жамияти институтларидан жами 57 мингдан зиёд таклиф келиб тушган.

Таҳлил натижалари кўрсатмоқдаки, умумхалқ муҳокамасининг дастлабки кунларида конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушган таклифлар кунига 700 га яқинни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтга келиб улар сони кунига 10 мингга етмоқда.

Ушбу рақамлар умумхалқ муҳокамаси аҳолининг мазкур сиёсий жараёнларға нисбатан дахлдорлик ҳисси ошиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришға қизиқиши тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Хорижда ҳам Ўзбекистоннинг янги конституциявий қонунини лойиҳаси муҳокамасиға қизиқиш ортмоқда. Академик-таҳлил ва ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари томонидан билдирилаётган экспертлик баҳолари буни тасдиқлайди. Улар мамлакатимиз демократик ривожланишининг янги даврини бошлаб берадиган мазкур сиёсий ислохотларда халқнинг фаол иштироки муҳимлигини таъкидламоқда.

Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ,
Анқара Инқироз ва сиёсат тадқиқотлари маркази (ANKASAM) директори (Туркия):

— Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги янги Ўзбекистонда инсон қадриги марказға қўядиган, давлат ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлайдиган конституциявий ислохотлар кечмоқда.

Конституциявий ислохотлар доирасида “Менинг Конституциям” шиори илгари сурилгани ҳам давлат ва халқ бирлигидаги мувоzanатни ва мустаҳкам муносабатларни ифода-лайди.

Бўлажак референдум, шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги янги Ўзбекистонда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи жараён бўлиб, у тизимда халқнинг янада фаолроқ иштирок этиши жиҳати билан ажралиб туради.

Шавкат Мирзиёевнинг халқ фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлашға қаратилган ислохотлар жараёнида Ўзбекистон халқининг конституциявий қўллаб-қувватла-ниши ҳам том маънода демократия ва мустаҳкам келажақ барпо этишда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, “Менинг Конституциям” шиори асли-



да янги Ўзбекистон руҳиға мос келадиган янги ижтимоий шартномадаги халқнинг “Менинг давлатим” деган тушунчасиға тенгдир.

Шу нуқтаи назардан, ўзининг тарихий амалиётидан ўз куч-қудрати ва қонунийлигини олган жараённинг давоми сифатида конституциявий референдум Учинчи Ренессанс руҳиға мувофиқ кучли миллат ва кучли давлат қуришда адолат устуворлигини марказға чиқарган кучли воқеа ўлароқ, янада катта маъно ва аҳамият касб этмоқда.

Кренди ТАН,
UCSI университети ижтимоий-гуманитар фанлар факультети декани (Малайзия):

— Ҳар бир давлат ўз тараққиётининг муайян босқичида мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг қонунчилик асосларини таъминлаш учун мавжуд воқеликни ҳисобга олган ҳолда конституциявий ислохотларни амалга ошириши лозим.

Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимояға муҳтож қатламларини фаол қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишға алоҳида эътибор қаратилаётир. Мамлакат Конституциясига ҳар бир фуқароға муносиб турмуш ва меҳнат шaroити яратиш бўйича режалаштирилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам шундан далолат беради.

Ишончим комилки, конституциявий ислохот жараёни сўнги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни изчил давом эттиришға хизмат қилмоқда.

Хосе Луис БАРСЕЛО,
“El Mundo Financiero” ахборот агентлиги бош муҳаррири (Испания):

— Айни кунлар Ўзбекистон тарихида жуда муҳим даврдир. Республика мустақилликка эришгандан 30 йилдан кейин Президент Шавкат Мирзиёев таклиф этган конституциявий ислохотлар жуда зарур эди, деб ҳисоблайман.

Менимча, амалдаги Конституцияни қайта қўриб чиқиш ва уни мамлакатнинг жуда тез ривожланиши, аҳоли кўпайиши, хавфсизлик сиёсати, соғлиқни сақлаш, маданият, иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги ижтимоий тараққиёт туфайли юзаға келган ҳозирги воқелик ҳамда эҳтиёжларға мослаштириш



Карим ПАКЗАД,
Франция халқаро ва стратегик муносабатлар институти эксперти:

— Ўзбекистон стратегик жиҳатдан муҳим минтақада жойлашган бўлиб, Марказий Осиёдаги йирик давлатдир. Сўнги йилларда республика раҳбарияти минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашға, шунингдек, мамлакатдаги ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни ривожлантиришға қаратилган муҳим ислохотларни амалга оширди.

Конституцияға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ислохотлари мамлакатдаги демократик ўзгаришларнинг асосидир. Ўзбекистон Бош қонунига киритиш таклиф этилаётган ўзгартиш

Ари КАГАН,
Нью-Йорк шаҳри кенгаши депутати:

— Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларнинг боришини катта қизиқиш билан кузатишмоқдамиз. Асосий қонунға киритиш таклиф этилаётган ўзгартишлар инсон қадри таъминлигиға асосланганини яққол кўриш мумкин.

Бу ўзгартишларда ривожланган Ғарб мамлакатлари, айниқса, АҚШ қонунчилиги билан яқинлик сезилмоқда. Ҳужжат билан танишиш жараёнида жуда катта эътибор каби, сўз ва эътиқод эркинлиги фикри юксак инсоний қадриятларға қаратилганини кўрдим.



учун етарли вақт ўтди. 1992 йилда Марказий Осиёнинг барча республикалари ўз конституцияларини оғир бир тарихий шароитида қабул қилган. Ҳозир эса Ўзбекистон мустақил ва кучли давлат эканини ҳисобга олиш зарур.



Ўз фуқароларининг фундаментал ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш орқали ҳар бир мамлакат, жумладан, Ўзбекистон янада ривожланади ва юксалади.

Ўзбекистон — дадил ўсиб бораётган ва ўз Конституциясини такомиллаштириши керак бўлган мамлакат. Ўйлайманки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг конституциявий ислохотларни амалга ошириш бўйича таклифи жуда тўғри ва ўз вақтида бўлди. Конституциявий лойиҳа шериклар, дўстлар ва қўшни давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш, ташқи сиёсатда ишончли ўсиш ҳамда фуқаролар учун зарур бошқа қўллаб-масалалар бўйича катъий мажбурият сифатида қўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ҳар доим ўз фуқароларини ҳимоя қилиш муҳимлигини таъкидлашни ҳам ҳақиқат ва бу Асосий қонунға киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда ҳам акс этмоқда.



ислохотлар юзасидан халқнинг фикрларини инobatта олиш имконини берадиган референдум ўтказилишини олқишлайман.

Исомиддин АБДУЛГАВВОД,
Мисрининг “Рўз ал-Юсуф” газетаси бош муҳаррири:

— Мамлакат Бош қонунини ислох қилиш Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичға ўтиши учун муҳим қадамдир. Ушбу ўзгаришлар халқ турмуш тарзининг барча жабҳаларини қамраб олаётгани ислохотлар нақадар долзарблигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти ёшлар, аёллар ва болалар ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратгани эътиборимни тортиди. Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлат томонидан хусусий мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиниши, тадбиркорлик қўллаб-қувватлаши мамлакат ривожига муҳим ўрин тутди.

Шу сабабли, ушбу ўзгаришларнинг Конституцияға киритилиши хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, илгор иқтисодиёт таъминлигини татбиқ этишға ишончли пойдевор қўяди.

Конституциявий ислохотлар муҳокамаси чоғида мамлакат Президенти томонидан ташқи сиёсат концепциясига ҳам ургу берилди. Дарҳақиқат, сўнги йилларда Ўзбекистоннинг минтақадаги ўрни кенгайиб бормоқда, жаҳон ҳамжамиятида унинг мавқеи сезиларли ошди. Бу эса жорий халқаро сиёсий вазиятға тўғри баҳо бериш, ташқи таҳдидларға самарали чоралар қўриш учун мустаҳкам ҳуқуқий база талаб этади.

Мисрда Ўзбекистон буюк тарихиға эга давлат сифатида баҳоланади. Халқларимиз кўп асрлар давомида яқин ҳамкорлик ўтказиш ва илгор давлат барпо этишда муваффақиятлар тилаймиз.

Ишончим комил, доно ва фидойи ўзбек халқи ҳамжихатлик ва аҳилликда билдирган барча таклиф-мулоҳазаларни атрофлича ўрганиб, ўзининг порлоқ келажаги учун тегишли қарор қабул қилади.



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА БЕЛГИЛОВЧИ БОШ МАНБА



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, тарих фанлари доктори, профессор

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида глобаллашув жараёнида юртдошларимиз ва мамлакатимиз манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилган ҳолда, мамлакат тараққиётини таъминлашга қаратилган алоҳида мақсад ва вазифалар белгиланди. Эндиги вазифа қабул қилинган ва қилинажак меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётийлигини таъминлаш. Бу, ўз навбатида, Конституцияни замон талаблари асосида янгиллаб, фуқароларимиз

хоҳиш-иродасига мослаштиришни талаб этади. Зеро, халқимиз муаллифлигида ишлаб чиқиладиган янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси мамлакатимиз тараққиёти, фуқароларимиз турмуш тарзини юксалтириш йўлида қабул қиладиган қонунларимиз учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Амалдаги Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Утган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси тубдан ўзгарди. Эркинлик, очкилик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлида катта ишларни амалга оширдик. Албатта, "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойилини конституциявий қоида сифатида муҳрлаб, Асосий қонунимизни янгиллашдек гоят муҳим ўзгаришлар борасида ишламоқдамиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасини эълон қилди.

Янгиланган Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принциплал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликлари давлат манфаатидан устунлигини таъминлайди. Дарҳақиқат, барча фуқаролар тенглиги тамойили халқимиз менталитетида, инсонпарварлик руҳига, диний қадриятларимизга ҳам мосдир.

Амалдаги Конституциямизнинг 13-моддасига мувофиқ, демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади ҳамда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Бироқ асосий ҳуқуқ ва эркинликларга (кўчиш эркинлиги, фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги) тааллуқли моддаларда "қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир" деган қўшимча мавжуд. Мажбурий меҳнат таққиланган, бироқ "суд ҳукми билан таъинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа

ҳоллардан ташқари". Бундай талқин таянч ҳуқуқларни истаганча чеклаш имконини беради. Чунки чеклашлар қонун билан тасдиқланса, конституция талабларига мос тушаверади. Янги Конституциямиз лойиҳасида эса 13-модда кенгайтирилиб, унга, хусусан, қуйидаги қоидалар қўшилиши кўтиляпти: "Инсонга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси давлат органи томонидан қўзланадиган қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак. Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонунчиликда юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинади".

“ХАР ҚАНДАЙ ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ, РИВОЖИ ОИЛАГА БОҒЛИҚ, ЧУНКИ ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРИННГ ДАСТЛАБКИ ЭЛЕМЕНТИ ОИЛАДА ВУЖУДГА КЕЛАДИ ВА ШАҚЛЛанади. ОИЛАДА КАТТАЛАРНИНГ БИР-БИРИГА ВА БОШҚАЛАРГА, АТРОФ-МУҲИТ, МОЛ-МУЛККА МУНОСАБАТИ ЁШЛАРНИНГ ШУ МАСАЛАЛАРГА МУНОСАБАТИ ШАҚЛЛаниши УЧУН ЎРНАК БўЛАДИ. ОИЛАДАГИ ТАРБИЯНИНГ БОШҚА ТАРБИЯЛАРДАН ФАРҚИ, АФЗАЛЛИГИ ШУКИ, ТАРБИЯ У ЕРДА ФАҚАТ ЎРГАТИШ, УҚТИРИШ, ТАЪКИДЛАШ БИЛАНГИНА ЭМАС, БАРЧА НАРСАЛАРДА КАТТА ЁШДАГИЛАР КИЧИКЛАР УЧУН ЎРНАК КўРСАТИШИ ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Конституция бошқа қонунлар каби фақат юридик ҳужжат сифатидагина намоён бўлмай, сиёсий ҳужжат ҳамдир. Чунки у жамиятдаги сиёсий муносабатларни тартибга солишга таъсир қилади. Шу боис, 15-модда қуйидаги норма билан тўлдирилляпти: "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади". 16-моддадаги "Мазкур Конституциянинг биророрта қоида

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас", деган қоида кенгайтирилимоқда ва қуйидагича ўзгартирилиши тақлиф этилмоқда: "Ушбу Конституциянинг биророрта қоида

Мамлакатимизда амалдаги қонунчиликда инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи бўлган билим олиш ҳуқуқини амалга оширишда тенглик принципининг юридик кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. 41-модданинг амалдаги таҳрири бундай: "Хар ким



• Бепул умумий ўрта таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

• Мактаб ишлари, мактабгача таълим ва тарбия давлат назоратида бўлади.

• Таълим бўйича алоҳида эҳтиёжларга ва индивидуал имкониятларга эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбия ташкил этилади.

• Давлат истеъдодли ёшларнинг моддий аҳолидан қатъи назар, таълимни давом эттиришини кафолатлайди.

• Давлатга қарашли, хусусий ва бошқа шаклдаги таълим муассасалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш учун давлат тенг шарт-шароитлар яратади.

• Педагог ходимларнинг мақомини хар жиҳатдан мустаҳкамлаш жамият ва давлатнинг мақсади ҳамда масъулиятли вазифасидир.

• Педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашшига, шунингдек, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига монелик қилишга йўл қўйилмайди.

Конституцияга қуйидаги мазмундаги 41'-модда тақлиф этилмоқда:

• Хар ким давлат таълим ташкилотларида танлов асосида бепул олий маълумот олишга ҳақли.

• Олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари қонунда белгиланган доирада ўзини ўзи бошқариш, академик эркинлик, шунингдек, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

Ҳамма мамлакатлар ҳам Конституцияда кафолатлар учун махсус боб ажратмаган. Конституциянинг кўплаб моддаларида ҳуқуқ ва эркинликлар шунчаки белгилаб қолинмасдан, улар кафолатланиши моддаларда алоҳида кўрсатилган. Масалан, Конституциянинг 42-моддаси. Ушбу модда мазмунига ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, илмий ва техникавий ижод эркинлигидан ташқари, бадий ижод эркинлиги ҳам қўшилади: "Хар кимга илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлиги, маданият ютуқ-ёғарлиқдан ўтишга бўлган ҳуқуқини кафолатланади".



Конституцияга 42'-модда қўшилиши назарда тутилмоқда: "Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, болалар ҳамда ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратади".

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Амалдаги 45-модда қуйидаги банддан иборат: "Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Мазкур моддага қуйидагича иккинчи банд қўшилиши тақлиф этилмоқда: "Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёт сифатини оширишига, уларга жамият ва давлат ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратишига ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чоралар кўради".

Конституцияда белгилаб қўйилган хар қандай бурч фуқаролар учун бажарилиши шарт бўлган мажбуриятдир. Демак, хар бир фуқаро нафақат Конституцияга, балки барча қонунларга риоя этишга мажбур. Бу қонунийлик принципининг мазмун ва моҳиятига мос келиб, ана шу принцип амалга ошишини таъминлашни назарда тутди.

Хар қандай жамиятнинг мустаҳкамлиги, ривож и оилага боғлиқ. Чунки жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг дастлабки элементи оилада вужудга келади ва шаклланади. Оилада катталарнинг бир-бирига ва бошқаларга, атроф-муҳит, мол-мулкка муносабати ёшларнинг шу масалаларга муносабати шаклланиши учун ўрناк бўлади. Оиладаги тарбиянинг бошқа тарбиялардан фарқи, афзаллиги шуки, тарбия у ерда фақат ўргатиш, ўқитиш, таъкидлаш билангина эмас, барча нарсаларда катта ёшдагилар кичиклар учун ўрнак кўрсатиши орқали олиб борилади.

Шулар эътиборга олиниб, халқимизга хос оиладаги ижобий жиҳатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни таъминлаш учун Конституциямизда оила учун махсус XIX боб ажратилди. 63-модданинг амалдаги таҳрири

бундай: "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосланади". Мазкур модда қуйидагича таҳрирда бўлиши тақлиф этилмоқда: "Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини, аҳолини сақлаб қолиш ҳамда қўпайтириш негизи сифатида жамият ва давлатнинг алоҳида муҳофазаси остида бўлади. Никоҳ аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилиги асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун зарур бўлган ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратади. Давлат кўп болали оилаларга қонунга мувофиқ имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлайди".

64-моддада ота-оналар зиммасига юклатилган вазифалар уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига ҳам юклатилмоқда. Бу вазифалар қаторига болаларни вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашдан ташқари, уларнинг таълими, соғлом ва тўлақонли камол топиши ҳақида қайғуриш ҳам қўшилмоқда.

65-моддадаги "Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофазаси қилинади", деган жумла ўрнига қуйидаги ўзгариш тақлиф этилмоқда: "Боланинг манфаатлари, болаларнинг тўлақонли, жисмоний, ақлий ва маданий ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишидир. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофазаси қилинади. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигини, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросидан фойдаланиш тўғрисидаги қадриятларни таъминлашга қўйиладиган қўшимча мавжуд. Мажбурий меҳнат таққиланган, бироқ "суд ҳукми билан таъинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа

Шу каби тақлиф этилган ўзгаришлар Асосий қонунимиз мазмунини янада бойитади.

Куни кеча Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси 15 июлгача узайтирилди. Бу ҳам халқимизнинг фаоллиги, жамиятдаги ислохотларга, келажакка ишончи ортиб бораётганидан далолат. Шунингдек, Асосий қонунимизнинг янги лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиб, билдирилган тақлифлар асосида такомиллаштириш миллий давлатчилик анъаналаримиз, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади.



Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси, Конституциявий комиссия аъзоси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда, энг аввало, ислохотларнинг бош мақсади — инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлаш эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, демократия ҳамда гуманизм ғоялари марказида инсон ва унинг ажратиб бўлмас табиий ҳуқуқлари туради. Одамзоднинг яшаш ҳуқуқи энг олий қадрият саналади ҳамда эзгу ғояларга кўра, инсонни яшаш ҳуқуқидан ҳеч ким маҳрум қилиши мумкин эмас. Шу сабабдан ҳам Конституцияга ўлим жазоси тақиқланиши ҳақидаги норма киритилса, инсон табиий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида ҳамда дунё ҳамжамияти олдида муҳим қадам қўйилган.

Яна бир муҳим жиҳат, "Ижтимоий давлат" Ўзбекистоннинг ривожланиш модели сифатида белгиланиши. Бу йўналиш "инсон қадри"ни амалга оширишда "ижтимоий давлат" тушунчаси мутаносилигида кузатилади. Ижтимоий давлатнинг асосий белгилари барча инсонлар тенглик ва адолат тамойили асосида яшаш, уй-жой билан таъминланиши, меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши каби эҳтиёжлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришдир. Бунда ҳеч ким давлат ижтимоий ҳимоясидан четда қолмайди, ҳеч қайси инсон ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди.

Яқин йилларгача аҳолини уй-жой билан таъминлаш асосий муаммолардан бири бўлиб келди. Фақат кейинги йиллардагина бу муаммо ечимига киришилди. Қисқа вақтда 500 мингдан ортиқ уй-жой қурилгани гувоҳи бўлиб турибмиз. Келгусида яна 275 мингдан ортиқ оила замонавий уй-жойга кўчирилиши режалаштирилган. Буни мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатларни Конституция ва қонунларни аниқ ва бир хилда ижросини таъминлаш орқали тартибга солиш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш билан амалга ошириш мумкин. Буларнинг барчаси

аҳолининг давлат ижтимоий ҳимоясига бўлган ишончига, мулкий дахлсизлигини амалга оширишда қонунийликка бевосита боғлиқ.

Шунингдек, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ўзгаришлар ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бошқа мамлакатларда учрамайдиган маҳалла институти бугунга келиб ислохотлар билан ҳаммоҳанг янгиланиб, ўзгариб бормоқда. Унинг вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилиб, ваколатлари кенгайтирилди. Илгари сурилаётган тақлифларга кўра, маҳалла мақомини Бош қонунимизда аниқ белгилаш,

фаолиятига кўмаклашиш, жойлардаги мураккабликларни мустақил тарзда ҳал этишда муҳим қадам бўлиши назарда тутилмоқда.

Фуқаролик жамиятини қуришда маҳалла билан бирга нодавлат ноижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, касба уюмчалари, жамоат биришмалари муҳим ўринга эгаллиги барчага маълум. Шу боис, уларнинг ўрни ва мақоми конституциявий нормалар орқали мустаҳкамланиши келгуси фаолиятини кўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган яна бир йўналиш — Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш. Унда "Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат" ғояси Конституцияда ўз ифодасини топиши назарда тутилмоқда.

Давлат органлари фаолияти очкилик, шаффофлик ва ҳисобдорлик қоидалари, халқ ҳокимиятичилиги, ҳокимиятлар бўлиниши принципи ва ўзаро тийиб туриш механизми замон талабларига мос бўлиши зарурати аллақачон юзага келган. Бу орқали парламентнинг ваколатларини кенгайтириш, Коррупцияга қарши курашиш

агентлиги директорини Сенат тасдиқлаш, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий маъруза тингланиши, Президентнинг айрим ваколатларини, хусусан, Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш Сенатга ўтиши каби масалалар бугунги жамиятимизда ўта муҳимдир.

Ва нихоят, халқ ҳокимиятичилиги ва парламент ислохотлари, яъни фуқароларнинг давлат ишлари, қонунчилик соҳасидаги иштирокини янада фаоллаштириш мақсадида қонунчилик ташаббуси механизмининг ислохот қилиш зарурати бор эди. Халқ муҳокамасидан келиб чиқиб, Конституцияга қонунчилик тақлифларини киритиш институти жорий қилиниши ана шу зарурати ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Шундагина халқимиз парламент воситасида қонун ижодкорлиги ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқ экани, хар бир ўзгариш, шубҳасиз, умумхалқ давлати асосида, фуқаролар фикри инобатга олинган ҳолда, уларнинг хоҳиш-иродаси орқалигина амалга оширилиши қайд этиб ўтилганларнинг исботи бўлади.

Ўйлаيمизки, амалга оширилаётган ислохотлар, биринчи навбатда, инсон қадрини улуғлашга, халқ манфаатини амалда таъминлашга, суд-ҳуқуқ тизими жазоловчи эмас, чинакам ҳимоя қилувчи соҳага айланиши қонун устувор бўлган кучли жамиятга асос бўлади.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР
ФАРОВОНЛИК САРИ ЭЛТАДИ

Президентимизнинг “Ҳар бир фуқаро бой бўлса — давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса — мамлакат фаровон бўлади”, деган фикрларининг амалий ифодаси



Мустафоқул ЎРОЗОВ,
Термиз муҳандислик-технология институтининг
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бугун Ўзбекистон дунёнинг жадал ривожланаётган мамлакатлари сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу барча тармоқ ва соҳаларда, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт юксалиши, халқимиз турмуш тарзи ва дунёқарashi ўзгариши, инсон капитали ривожланиши билан боғлиқ жиҳатларда кўзга ташланади. Шу жумладан, аграр тармоқ ислохотлари ҳам янги босқичда тараққий этмоқда.

давлатлар ўзимиз экспорт қилган пахта қайта ишлаб, ўзимизга тикув-трикотаж, кийим-кечак қилиб сотди. Биз эса арзон экспорт қилган маҳсулотимизни истеъмолчи сифатида қиммат нархларда импорт қилиб олдик. Бир вақтлар мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг бор-йўғи 8 фоизи қайта ишланган бўлса, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, бу кўрсаткич бундан беш йил олдинга келиб 40 фоизга етди. Ваҳоланки, юртимизда пахта хомашёси етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш салоҳияти шунчалик юқорики, ҳар йили ўртача 1 миллион тоннадан ортиқ пахта толасини чуқур қайта ишлаш эвазига 25 миллиард доллардан ортиқ қўшимча қиймат яратиш мумкин.

Афсуски, ушбу йўналишлар узоқ вақт мобайнида ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, эътибор қаратилмагани, илмдан ироқлашгани натижасида юқори салоҳиятга эга бўлишига қарамадсан пахтачиликда ҳам, тўқимачилик тармоғида ҳам ривожланиш жараёни жуда суст кечди.

Хомашё юз фоиз ўзимизда қайта ишланаяпти

Тўқимачилик тармоғи ҳам хомашё, ҳам экспорт, ҳам аҳоли бандлигида улкан салоҳиятга эга. Шу маънода, аҳолини муқим ва даромадли иш билан таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришда самарали бўлган ушбу тармоқни ривожлантириш Ўзбекистон учун муҳим санолат. Бунинг учун эса юртимизда имкониятлар кенг. Аввало, бизда етарли ва шу билан бира, сифатли хомашё базаси бор. Мунис оналаримиз, опа-сингилларимиз, умуман, ўзбек аёлларининг аксарияти эса табиатан чевар. Уларда асрлар мобайнида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келадиган мато тўқиш ва кийим тикиш кўникмаси мавжуд. Айни шу жиҳатлари учун ҳам юртимиз шароитида тўқимачиликни ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо қилар эди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фақатгина янги Ўзбекистон даврига келиб давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси ва ташаббуси билан мамлакатимиз тўқимачилик саноати қаддини тиклади, жадал ривожланиш босқичига ўтди.

Бу борада Президентимиз қатор ҳужжатларни қабул қилдики, уларда белгиланган вазифалар тармоқлар фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш, соҳага замонавий билим, илгор технология ва ёндашувларни таъбиқ этиш, бир сўз билан айтганда, турғунликда қотиб қолган соҳани “уйғотиш”га хизмат қилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги “2017–2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори билан тармоқни модернизация ва диверсификация қилиш асосида жадал ривожланиши, пахта толаси ва ипак хомашёсини чуқур қайта ишлаш таъминлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кескин ошириш бўйича улкан вазифалар белгиланди. Шунингдек, корхоналарга имтиёзли кредит, солиқ ва боғжона имтиёзлари, преференциялар бериш тартиби ҳам мустаҳкамланди.

Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан эса тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишдан воз кечилиб, хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, у билан ички бозор эҳтиёжларини тўла таъминлаш ва хорижга экспорт қилиш ҳажмини кескин ошириш вазифалари янада аниқлаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулот

ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳам тармоқни янада ривожлантиришнинг қўшимча чоралари белгиланди.

Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароит яратиб бериш, мухтасар айтганда, тармоқни ривожлантириш бўйича қўрилган чоралар натижасида текстиль йўналишида 350 га яқин йирик фабрикалар ишга туширилди, ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 5 баробарга ошди. Экспорт эса 4 баробар ўсиб, қарийб 3 миллиард долларга етди. Бу ўринда экспорт таркибида чуқур қайта ишланган тайёр маҳсулотлар улушининг кескин ошгани диққатга сазовор, албатта. Хусусан, 2016 йилда хорижга экспортнинг 65 фоизи ип-калага бўлган бўлса, 2021 йилда экспорт таркибида тайёр кийимлар улуши 32 фоизни ташкил этди.

Беш йил аввал юртимизда етиштирилган пахта толасининг атиги 40 фоизи қайта ишланган бўлса, бугунги кунда 100 фоизи ўзимизда қайта ишланмоқда.

Экспорт имконияти — тараққийёт асоси

Ўзбекистоннинг қулай географик жойлашуви нафақат Осиё, балки Европа мамлакатлари билан ўзаро фойдаланиш имконияти алоқаларини амалга ошириш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, кейинги беш йилликда давлатимиз раҳбари олиб бораётган кенг қўламли индустриал, интеграцион, инвестицион ислохотларда пахта хомашёси экспортдан воз кечилмоқда, бунга барча ҳудудларда кластер тизими самарали ташкил қилингани, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ўтилгани асосий сабаб бўлди.



Макроиктисодиётда енгил саноат мамлакат иқтисодиёти учун стратегик соҳа ҳисобланади, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, республикаимизда енгил саноат ишлаб чиқариш технологиялари жорий қилиниши, замонавий ускуналардан фойдаланиши ва айни пайтда модирона бошқарув соҳа корхоналарида меҳнат самарадорлиги, саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон тўқимачилик соҳасида банд бўлган аёллар сони бўйича бошқа мамлакатлар, жумладан, Ҳиндистон, Бангладеш ва Покистонга нисбатан юқори кўрсаткичга эга. Бу эса рақобатда устунлиқни таъминловчи имкониятдир.

Дунёдаги энг йирик табиий тўқимачилик тоғалари, ип-калага ва трикотаж ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган юртимизда 7000 дан зиёд тўқимачилик корхонаси мавжуд. 156 тўқимачилик компанияси Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ каби давлатлар инвесторлари иштирокida ташкил қилинган мазкур соҳа истиқболли эканини кўрсатади. Миллий тараққиётимизнинг иқтинки босқичи — навабдаги беш йилликда бу кўрсаткич бир баробар ошади, десак хато бўлмайди. Чунки 2022–2026 йилларга мўлжалланган



Янги бозор — янги имкониятлар

Бугунги кунда Ўзбекистон — Европа Иттифоқи иқтисодий ва савдо муносабатлари динамик ривожланиш тенденциясига эга. Масалан, умумий товар айирбошлаш ҳажми ўтган 25 йилда салкам тўрт баробар кўпайган. Икки томонлама савдо алоқалари имкониятлари кенг бўлса-да, Европа Иттифоқининг умумий ташқи савдо айланмасида Ўзбекистоннинг улуши 0,1 фоиздан ошмайди.

2021 йилнинг апрель ойидан бошлаб ЕИнинг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) Ўзбекистон учун кучга кирди. Ушбу тизим Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини аҳолиси 510 миллион кишидан кўп энг йирик бозор ҳисобланган ЕИ мамлакатларига экспорт қилиш имкониятини ошириши, ишлаб чиқарилган 6200 турдаги маҳсулотларни боғжона боғжарисиз экспорт қилиш имкониятини яратмоқда.

GSP+ ривожланаётган мамлакатлар экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий имтиёзлар тизими бўлиб, ривожланаётган давлатлар экспорт қиладиган товарлар учун боғжона тарифларидан имтиёзлар беришни кўзда тутади. Бошқача айтганда, ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган давлатлар бозорларига экспорт қилинадиган товарларга боғжона имтиёзлари тақдим этади.

GSP+ нафақат экспорт ҳажмини ошириш, балки мамлакатнинг турли соҳалардаги фаолиятини такомиллаштириш, замонавий стандартлар ва технологияларни жорий этиш, зарур билим ва кўникмаларни эгаллаш, талаб қилинадиган сифат даражасини таъминлашга ёрдам беради, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва экспорт қилишга ўз ёндашувларини ўзгартиради.

Ўзбекистоннинг GSP+ бенефициари сифатида қабул қилиниши ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, ишбилармонлик муҳити, суд-ҳуқуқ тизими, меҳнат шароитлари, маъмурий жавобгарлик ва самарадорликни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир. Бу ҳам ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат со-

ни ўрганиш ва Европа Иттифоқи билан электрон тижоратни рағбатлантиришга эътибор қаратиши лозим.



Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиши ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизимининг (GSP+) долзарблиги тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг Европа Иттифоқи мамлакатларига мос келувчи маҳсулотлар assortиментини диверсификация қилишни тақозо этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Европа Иттифоқи иқтисодий ва савдо муносабатлари динамик ривожланиш тенденциясига эга. Масалан, умумий товар айирбошлаш ҳажми ўтган 25 йилда салкам тўрт баробар кўпайган. Икки томонлама савдо алоқалари имкониятлари кенг бўлса-да, Европа Иттифоқининг умумий ташқи савдо айланмасида Ўзбекистоннинг улуши 0,1 фоиздан ошмайди.

2021 йилнинг апрель ойидан бошлаб ЕИнинг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) Ўзбекистон учун кучга кирди. Ушбу тизим Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини аҳолиси 510 миллион кишидан кўп энг йирик бозор ҳисобланган ЕИ мамлакатларига экспорт қилиш имкониятини ошириши, ишлаб чиқарилган 6200 турдаги маҳсулотларни боғжона боғжарисиз экспорт қилиш имкониятини яратмоқда.

GSP+ ривожланаётган мамлакатлар экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий имтиёзлар тизими бўлиб, ривожланаётган давлатлар экспорт қиладиган товарлар учун боғжона тарифларидан имтиёзлар беришни кўзда тутади. Бошқача айтганда, ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган давлатлар бозорларига экспорт қилинадиган товарларга боғжона имтиёзлари тақдим этади.

GSP+ нафақат экспорт ҳажмини ошириш, балки мамлакатнинг турли соҳалардаги фаолиятини такомиллаштириш, замонавий стандартлар ва технологияларни жорий этиш, зарур билим ва кўникмаларни эгаллаш, талаб қилинадиган сифат даражасини таъминлашга ёрдам беради, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва экспорт қилишга ўз ёндашувларини ўзгартиради.

Ўзбекистоннинг GSP+ бенефициари сифатида қабул қилиниши ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, ишбилармонлик муҳити, суд-ҳуқуқ тизими, меҳнат шароитлари, маъмурий жавобгарлик ва самарадорликни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир. Бу ҳам ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат со-

ҳасида изчил ижобий ривожланишдан далолат беради. GSP+ тизими қўлланилиши билан 2021 йилда экспорт ҳажми 142,1 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб 242,2 миллион долларга кўпайиши кутулмоқда. Бу тизимдан самарали фойдаланишда Ўзбекистон ўзининг экспорт портфелини жиддий равишда диверсификация

қилиши керак, чунки фақат тўқимачилик маҳсулотларига таяниш унинг экспорт секторида тўқинлик қилиши мумкин, бу эса савдо балансида муаммоларни келтириб чиқаради.

Диверсификация стратегиясидан фойдаланиш учун корхоналаримиз Европа бозорига мос келувчи мақсадли маҳсулот турларини аниқлашти лозим. Имтиёзлар тизимига эга бўлиш дегани, маҳсулот экспортни ўз-ўзидан ривожланиши, дегани эмас, албатта. Европа бозори учун барча мамлакатлар доимий равишда рақобатланиб келади. Трикотаж маҳсулотлари бўйича Европа Иттифоқи мамлакатлариди Ҳиндистон, Хитой ва Бангладеш етакчи ҳисобланади. Бироқ Ўзбекистонда тўқимачилик, тикув ва трикотаж маҳсулотлари товарлари assortиментининг айрим гуруҳлари учун устунлик мавжуд.

Ўзбекистон тегишли товар категориялари бўйича мавжуд улушни сақлаб қолган ҳолда, бир қатор ижобий натижаларга эришиши мумкин. Бунинг учун Европа бозорларида тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотларига бўлган талабни боқолаш, импорт ҳажмини прогноزلаш орқали истиқболни аниқлаш лозим.

Маҳсулот турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ип-калага, ип-газлама, трикотаж ва пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа талаб-тақлифга қараб экспорт ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқ.

Европа мамлакатларида Ўзбекистон имижини оширишга ёрдам берадиган маркетинг воситаларидан самарали фойдаланиш лозим. Европа мамлакатларининг маданият, фан ва санъатга бўлган қизиқишини инобатга олиб, Ўзбекистоннинг маданий ва маънавий меросини танаранум этувчи турли тадбирлар ташкил этилиши мамлакат имижини европалаиклар онгида шакллантиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида тўқимачилик саноати учун устувор стратегик мақсадлар амалга оширилди. Галдаги устувор йўналиш эса 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегиясида улкан мақсадлар кўзда тутилгандир. Хусусан, тўқимачилик саноатида миллий ва хорижий бренддаги тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини 2026 йилда 5 миллиард АҚШ долларига, соҳада иш ўринлари сонини 570 мингга, сунъий толали қайта ишлаш ҳажминини эса 200 минг тоннага етказиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, “Янги Ўзбекистон иқтисодий фаровон давлат, кенг иқтисодий имкониятлар мамлакатидир. Бу — ҳар бир фуқаро бой бўлса — давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса — мамлакат фаровон бўлади, демакдир”. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида айтилган бу гаплар бизни яна бир мушоадага ундайди: бугун Ўзбекистон халқи ҳамжиҳат бўлиб, бир мақсад йўлида оғишмай олға кетмоқда. Бу — фаровон ҳаётни таъминлаш, фарзандларимиз учун ёруғ келажақни яратиш. Бунинг учун ҳалол меҳнат қилиб, муваффақиятга эришиш ҳар биримизнинг бош мақсадимиз. Биргина пахта сийасатидаги катта ўзгаришларнинг амалий ифодаси, болалар меҳнати барҳам тоғгани, ер ҳақиқий эгасига берилганининг ўзи ҳам бизни шу йўлда собитқадам бўлишга ундайди.

Тарихга назар

“Темир хотин” киносини кўрмаган юрдошимиз топиламаса керак. Ўтган аср саксонинчи йилларининг аянчли ҳикояси акс этади унда. Ўша йиллари хотин-қизлар орасида ўзига-ўзи ўт қўйишлар кўпайиб кетганди. Сабаби, пахта даласидаги оғир меҳнат, чидаб бўлмас қисмат бешиги — ногирон тутилган фарзандлар, етишмовчилик, инсон қадри йўқлиги, болаларнинг даладаги мавҳум тақдир, келажакка ишонсизлик туйғуси кучайган эди.

Халқимиз “Темир хотин” машҳур бўлиб кетгандан кейин ҳам узоқ йиллар кинодаги муҳимта яшади. Очиғи, пахта масаласида 6-7 йил олдин ҳам манзара шундай эди. Ҳа, ҳақиқат аччиқ бўлди. Яқин-яқингача халқимиз илгор пахтакор экани, катта-катта майдонларда йўза ўстириб, рекорд даражада ҳосил йиққанидан ғурурланиб юрди. “Оқ олтин” экспорти бўйича олдинги сафларда эканимизни айтиб мақтандик. Аслида-чи, кўкрак керишимиз қанчалик асосли эди?

Бу борада бир томондан олиб қаралганда, фахрли, бошқа томондан қараганда эса ачинарли статистикамиз бор. Хусусан, илгари жаҳонда илгор пахта етиштирадиган мамлакатлар орасида Ўзбекистон 6-ўринда, пахта хомашёси экспорти бўйича эса 3-ўринда турарди. Қолаверса, дунёда ўзбек пахтасига талаб доим юқори бўлган. Чунки бизда етиштирилган пахта толаси соҳада етакчи давлатлардагига нисбатан 8-9 миллиметр узун, яъни сифатли. Айнан шунинг учун ҳам қўллаб-даватлар Ўзбекистондан тайёр маҳсулот эмас, тола сотиб олишга уринган.

Булар қайсидир маънода яхши кўрсаткич, албатта. Лекин шуни унутмаслик керакки, пахтачиликнинг асосий даромади, “қаймоғи” уни қўшилган қийматга айлантиришда. Утмишдаги ожиз бўлган томонимиз ҳам шунда аслида — пахта хомашёсини қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича айтишга аргизулик натижамиз йўқ эди. Айтايлик, яқин йилларгача хорижий

ОБОД МАНЗИЛЛАР

ҲАЁТБАХШ ЎЗГАРИШЛАРГА
ЮЗ ТУТАЁТГАН ШИРИН

Ширин шаҳрига тонгда қуёш Қурама тоғ тизмалари ортидан мўралайди. Заррин нурлар шаҳарнинг обод кўчаларини нурафшон қилганида унинг асл юмушига кўмаклашиб юборгандек бўлади гўё! Боиси, Ширин мамлакатимиз электр энергияси ишлаб чиқариш саноатининг етакчиси. Ундаги иссиқлик электр станцияси юртимиз узок-яқин кишлоқлари, овуллари, саноат корхоналарини нурга чулғаетгани бор гап.

Эътиборлиси, аيني пайтда шаҳар ҳудудида қиймати қарийб 3 миллиард долларлик яна иккита замонавий иссиқлик электр станцияси барпо этилиши бошлаб юборилган. Ушбу ўзгаришлардан илҳом олган маҳаллий тадбиркорлар, ёшлар, хотин-қизлар ҳам янгида янги лойиҳаларга қўл урмоқда.

Ширин азалдан саноати ривожланган шаҳарлардан бири сифатида маълум. Нафақат ободлашаётгани, балки янгида янги тадбиркорлик корхоналари иш бошлаётгани туфайли ҳам ушбу гўша таниб бўлмас даражада янги қиёфа касб этмоқда. Даставвал шаҳарнинг гигант корхонаси имкониятидан фойдаланиш бошланди. Бўш турган ерларда ўнлаб гектар иссиқхоналар барпо этилди. Бу иссиқхоналарни қишда иситиш учун Сирдарё иссиқлик электр станциясидан қувур тортиб келинди. Натижада, яқин-яқингача ўт босиб ётган ерларда замонавий деҳқончилик мажмуалари қад ростлади. Бу ерда етиштирилган सबзавотлар экспорт қилина бошланди.

Нуробод маҳалласида истиқомат қилувчи Шуҳрат Бўтанов ана шундай тадбиркорлардан. Шу ишнинг заҳматини роҳатини ҳам бирдек бошдан ўтказётган ишбилармон. Қарийб бир гектар ерда барпо этилган иссиқхона аҳолига помидор, бодринг ва бошқа सबзавот маҳсулотларини етказиб бermoқда.

Иссиқхоналардан бошланган маҳаллий тадбиркорларнинг лойиҳалари кейинчалик ишлаб чиқариш ва сервис соҳаларига ҳам кўчди. Шаҳарнинг собиқ кўприк қурилиш корхонаси ҳудудида барпо этилган темир-бетон маҳсулотлари корхонаси республикамизнинг турли ҳудудларига бетон панеллар, устун ва лотоклар етказиб беришни бошлади. Дилшод Саидазимов томонидан қарийб уч миллиард сўмлик маблагъ эвазига барпо этилган корхона маҳсулотлари ўзининг сифати, иссиқ ва совуқ ўтказмаслиги, коррозиядан ҳимоялангани билан харидоргир. 2020 йилда



ишга туширилган корхона аини пайтда ривожланиш босқичида. Келгусида бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури йигирматадан ортади.

Пешқадам тадбиркор аёллар

Яқин-яқингача хотин-қизлар тадбиркорлиги ҳавас қиларли даражада эмасди. Юртимизда кейинги йилларда аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга имтиёз ва преференциялар бериш борасида яратилган шарт-шароит натижасида каттагина лойиҳаларга қўл урилмоқда.

Ширинлик тадбиркор Муқаддас Холматованинг қарийб уч гектарлик атиргул плантациясида “гладиатор”, “афалог”, “каталина”, “спрей” номли гуллар парваришланмоқда. Гуллар ортлган автомобиллар ҳар кун юртимиз ва хорижнинг турли шаҳарларига йўл олади. Бир ярим миллиард сўмлик ушбу лойиҳа амалга ошиши ортидан ўнлаб хотин-қизлар иш билан таъминланди.

— Лойиҳани амалга оширишга қиришганимда, ростки, бироз ҳадик бор эди, — дейди Муқаддас Холматова. — Тадбиркор борки, тиккан маблагъ ўзини оқлаш-оқламаслигидан ҳавотирланади. Юртимизнинг турли ҳудудларидаги айнан мана шундай атиргул плантацияларига бориб, гулчилик сирларини ўргандим. Гул шайдолари нафақат юртимизда, балки яқин хориж мамлакатларида ҳам асло кам эмаслигига амин бўлганимдан кейингина ушбу иссиқхонани очиб қўл урдим.

Таъкидлаш керакики, Муқаддас Холматова томонидан юритилаётган иссиқхонада дастлаб помидор ва бодринг каби सबзавот маҳсулотлари етиштирилган. Ишнинг кўзини билган аёл шаҳарга мутлақо янги соҳани олиб кирди. Эндиликда у етиштирган гуллар Қозғистон орқали бошқа давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Гулларга тегишли



66

ЁШЛАР САНОАТ ЗОНАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРДАН ЯНА БИРИ “MONDO METALLO” МЧЖ ТОМОНИДАН АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА. ЯҚИН КУНЛАРДА ИШ БОШЛАЙДИГАН УШБУ КОРХОНАДА МЕТАЛЛ СИМ ВА МИХ ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ. ШУ МАҚСАДДА БАНКНИНГ 100 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ ҚИЙМАТИДАГИ КРЕДИТ МАБЛАҒИ ЭВАЗИГА ХИТОЙДАН УСКУНАЛАР ОЛИБ КЕЛИНДИ. АЙНИ ПАЙТДА ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА БИНО АЖРАТИЛМОҚДА.

сертификатларда эса жонажон Ўзбекистонимиз ва Ширин шаҳрининг номи ёзилган.

Яқинда шаҳарнинг Фарҳод маҳалласида тадбиркор аёл томонидан яна бир стартап лойиҳа амалга оширилди. Юздан зиёд аёлни ўз бағрига олган янги тикувчилик корхонасида йигирмадан ортқ турдаги болалар ва катталар қиймлари ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, корхона маҳсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилинади.

ҳудудидаги 6,5 гектар ер майдони тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга ажратиб берилди. Эътиборлиси, янги ташкил этилган Ёшлар тадбиркорлик зонасига барча муҳандислик-коммуникация тармоқлари олиб келинди. Йўл ва коммуникация тизими яхшиланди. 2021 йил ноябрь ойида ташкил этилган ушбу иқтисодий зонада қисқа муддатда 7 та лойиҳа амалга оширилди. Қарийб 7 миллиард 65 миллион сўмлик ушбу стартап лойиҳалар тўлиқ рўёбга чиқарилиши натижасида 106 нафар ёш иш билан таъминланди.

“Nurobod Asl qog‘oz” МЧЖ томонидан ана шундай лойиҳалардан бири йўлга қўйилди. Қиймати 1 миллиард 55 миллион сўмлик маблагъ эвазига барпо этилган корхонада аини кунларда ўндан ортқ ёшлар иш билан банд. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса ҳозирча ички бозор эҳтиёжига йўналтирилмоқда. Ёшлар саноат зонасидаги истиқболли лойиҳалардан яна бири “Mondo metallo” МЧЖ томонидан амалиётга татбиқ этилмоқда. Яқин кунларда иш бошлайдиган ушбу корхонада металл сим ва мих тайёрлаш йўлга қўйилади. Шу мақсадда банкнинг 100 минг АҚШ доллари қийматидаги кредит маблагъи эвазига Хитойдан ускуналар олиб келинди. Аини пайтда лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча бино ажратилмоқда.

Тез орада мазкур ҳудудда совун, гел, тикув-трикотаж ва қурилиш-пардозлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Шаҳарнинг Мирзо Улуғбек маҳалласида тадбиркорлар учун ажратилган кичик саноат зонасида ҳам аини пайтда иш қизгин. 3 гектарлик майдон 12 лотга ажратилган бўлиб, бу ерда жами йигирмага яқин янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлаши кутилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ “Алвон Чўғ” МЧЖ томонидан бетон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. 2 миллиард 200 миллион сўмлик маблагъ эвазига барпо этилган корхонада блок гишт, лоток ва электр устунлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона тўлиқ ишга тушгач, ўндан ортқ ёшлар мунтазам иш билан таъминланади.

Абдурахмон МУСТАҒОҚУЛОВ, журналист



БУГУННИНГ ГАПИ



ИННОВАЦИОН ҒОЯ ВА
ЛОЙИҲАЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНМОҚДА

Бугун мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларнинг ролини ошириш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи технопарклар фаолияти йўлга қўйилляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2021-йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига биноан, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида “Ёшлар инновацион ишлаб чиқариш зонаси” ташкил этилган эди. Бугун бу ерда амалиётга жорий этилаётган инновацион ғоялар ички бозор учун зарур, импорт ўрнини босувчи юқори технологияларга асосланган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Мазкур ишлаб чиқариш зонаси учун тумanning Ипак маҳалласидан 1,2 гектар ер ажратилган. Бу ерда илм-фан, бизнес ва ишлаб чиқаришга доир ғоялар тайёр маҳсулотга айланмоқда. Базальт минерали асосида юқори ҳароратга чидамли ва механик мустаҳкам комплаундлар, нефть-газ саноати корхоналаридан чиққан чиқинди олтингургут асосида модификациялашган олтингургутли бетон маҳсулотлар ҳамда нефть-газ саноати чиқиндиси бўлган олтингургут асосида йўл чизиклари учун полисульфид полимер бўёқлар каби

сув тақчил ҳудудларида биз яратган инновацион маҳсулот ёрдамида яшил майдонларни кўпайтириш, янги ерларни ўзлаштириш мумкин. Маҳсулотимизнинг яна бир афзаллиги шундаки, ўсимликлар учун керакли сувларни қувурлар орқали эмас, балки махсус қопларда етказиш имконияти мавжуд. Бир килограмм гидрогель ёрдамида 15-20 дарахтни сугориш мумкин. Аниқроқ айтидиган бўлсак, сув бўктирилган гидрогеллар 3 ой мобайнида дарахт илдизларини сув билан таъминлайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг хомашёси, асосан, полисахарит, целлюлоза ва крахмал ҳисобланади. Гидрогель шу пайтга қадар юртимизга фақат четдан олиб келинган. Биз тақлиф этаётган маҳсулот турдошларига нисбатан икки баробар арзон. Корхонамизда йилига 60 тонна гидрогель ишлаб чиқиш имконияти мавжуд бўлиб, улардан икки йил давомида фойдаланиш мумкин. Эскирган гидрогель ернинг инфраструктурасини бузмайди, аксинча, азотли ўғитга айланади.



ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидан. Бундан ташқари, маҳаллий хомашёлар асосида сув ва минерал ресурсларни тежовчи, юқори бўкувчан ва биопарчаланувчи гидрогель, дағал жунларни қимёвий ва механик қайта ишлаш орқали тўқимачилик саноати учун сифатли майин ил яратиш каби лойиҳалар ҳам ишлаб чиқаришга жорий этилди.

— Биз, Термиз давлат университети учун гуруҳ олимлари ўзимизнинг инновацион лойиҳамизни тижоратлаштириш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган танловда қатнашдик. Натижада лойиҳамизни амалиётга жорий этиш учун 1 миллиард 300 миллион сўм ажратилди, — дейди лойиҳа муаллифи, Термиз давлат университети докторанти, доцент Баҳодир Холназаров. — Ўзида кўп миқдордаги сувни сақлайдиган, керакли пайтда ўсимлик илдизини сув билан таъминлайдиган гидрогель ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу маҳсулот ўсимликларни сувсизликдан асрайди ва лалми майдонларда дарахтзорлар яратишда жуда кўл келади. Бу борада дунё тажрибаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, Хитой ва Франция гидрогель ишлаб чиқаришда етакчи давлатлар ҳисобланади. БАА ва Саудия Арабистонида ўзида кўп миқдорда сув ҳамда минерал ўғитларни сақлаш хусусиятига эга гидрогеллар ёрдамида жуда катта яшил плантациялар барпо этиляпти. Юртимизнинг

Олтинсой туманидаги “Анорхол момо ва Сардор” фермер хўжалиги тасарруфиди 60,2 гектар ер майдони бўлиб, шундан 20 гектариди инновацион усулда янги бог барпо этилмоқда. Мазкур фермер хўжалиги томонидан тоғ ва тоғоли ҳудудларида пекан ёнғокзорларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигидан 500 миллион сўм маблагъ ажратилган. Бундан ташқари, ушбу лойиҳага тадбиркорнинг 500 миллион сўм маблагъи ҳам сарфланди. Таъкидлаш жоизки, пекан ёнғогининг ҳосилдор, совуққа, иссиққа ва қуроғқчиликка, касаллик ва зараркундаларга чидамли навлари Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали мутахассислари томонидан танлаб олинди. Лалми майдонларда томчилатиб сугориш тизими асосида яратилаётган пекан ёнғогли плантацияларини келгусида янада кенгайтириш кўзда тутилган.

— Бизнинг фермер хўжалигимиз майдонлари, асосан, лалми ерлардан иборат. Бундай шароитда деҳқончилик қилишнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор, — дейди мазкур фермер хўжалиги раҳбари Расул Раҳмонов. — Бу йил бир муҳим ишга қўл урдик. Яъни 20 гектар лалми майдонда томчилатиб сугориш усулида пекан ёнғокларини эдикдик. Бу ниҳоллар 5 йилда ҳосил бериб, бир топ дарахдан 200-250 килограмм ёнғок олиш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унинг ёғочи меъбел саноати учун эмандан кейин иккинчи ўринда туради.

Ҳар бир ниҳолни сугориш имконини берувчи тизимни яратиш мақсадида 2 минг куб метр ҳажмдаги сув сақлаш ховузини қурдик. Бу орқали 30 гектар майдонни сув билан таъминлаш мумкин.

Олтинсой туманининг инновацион марказида 796,6 миллион сўм маблагъ эвазига иш бошланган инновацион ўқув-амалий марказида йилига 1030 нафар ўқувчи ўқитиш кўзда тутилган. Ўқув курслари инглиз, араб ва рус тилларида олиб борилмоқда. Шунингдек, IT йўналишида мутахассислар тайёрланмоқда. Яна бир стартап лойиҳа — “Кросс агидель 34”га 500 миллион сўм маблагъ ажратилган. Россиядан 5000 дона ўрдак туҳуми олиб келиниб, 3000 бошдан кўпроқ жўжа очирилди. Лойиҳага кўра, 100 та хонадонда кооперация усулида зотдор ўрдаклар кўпайтириляпти. Шунингдек, Калифорния чувалчангидан одам касалликларига қарши зардоб ишлаб чиқариш лойиҳасини учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 600 миллион сўмлик субсидия ҳамда лойиҳа ташаббускорининг 100 миллион сўмлик маблагъи йўналтирилди. Лойиҳа ишга тушиши натижасида 50 та иш ўрни яратилди. Йилига 200 ампула зардоб ишлаб чиқариш режалаштирилган.

— Биз Калифорния чувалчангидан зардоб ишлаб чиқариш лойиҳасини амалиётга жорий этиш учун Олтинсой туманидаги Чеп ва Гулистон маҳалласини асосий ҳудуд сифатида танлаб олдик, — дейди лойиҳа муаллифи, Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали доценти Замира Нурова. — Лойиҳа ишга тушиши билан 50 та иш ўрни яратилиб, ушбу маҳалла аҳоли хонадонларида чувалчанг етиштириш бошланди. Таъкидлаш жоизки, бу ерда бир вақтнинг ўзида ҳам Калифорния қизил чувалчанги етиштирилади, ҳам биогурус ишлаб чиқарилади. Чувалчанглардан лаборатория шароитида одам касалликларига қарши 11 турдаги дори препаратлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Суюқлик ва мазъ шаклидаги бу дори воситалари гепатитнинг бир неча турини даволашда ҳам жуда самарали ҳисобланади. Бундан ташқари, дори воситаларимиз турли хил тери касалликларини даволашда кўл келади. Бу бўйича муаллифлик ҳуқуқини қўлга киритиб, ишлаб чиқарган дори воситаларимиз мамлакатимиз фармацевтика корхоналарига етказиб берилмоқда.

— Илмий салоҳият ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш соҳасига татбиқ этиш, стартап ва тижоратлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича вилоятимиз ҳудудида танлаб олинган Олтинсой туманидаги инновацион марказида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 9 та лойиҳани қўллаб-қувватлаш учун 10 миллиард сўм маблагъ ажратилган, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шерхон Кичиклов. — Бу борада амалий саъй-ҳаракатлар пировардида ҳудудда янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, аҳоли бандлиги ва даромад олиш манбаларини яратишга ёрдам беради. Жусусан, ҳозирга қадар ишга туширилган лойиҳалар натижасида 120 дан ортқ янги иш ўрни яратилди. Бу йил Олтинсой туманидаги маҳаллаларда кооперация усулида ишлашнинг кенг жорий этиб, 500 га яқин янги иш ўрни ташкил этиш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, Олтинсойда мамлакат тараққиётининг бугунги босқичида ислохотлар изчиллигини таъминлаш, илм-фан ва инновация соҳасида давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Азимбек САМАДОВ,
“Янги Ўзбекистон”
муҳбири



УЙҒОНИШ ДАВРИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

МАЪНАВИЯТИ, ҒУРУРИ БАЛАНДА
ХАЛҚ АВЛОДЛАРИ

ҒОЯВИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БЎЛМАСИН

Нодир ҒАФФОРОВ,
Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
кафедра мудири, филология фанлари номзоди

Хар бир зиёлининг иш столида доимий муталаа қиладиган китоби бўлади. Вақти-вақти билан уни варақлаб, кундалик ташвишларни унутди, орзуларини амалга ошириш учун янги режа ва дастурлар тузади, завқ-шавқ, руҳлантирувчи куч олади. Китоб уни янги ғоялар сари етаклайди, ўзига бўлган ишончни оширади. Ўзини шу юртнинг юксалишига, улкан ислохотларига дахлдор ҳисоблаган ҳар бир зиёли учун Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби — янги-янги ғоя ва мотивация берадиган, ислохотлар сари етаклайдиган, ҳар бир жабҳа тақомилидаги устувор вазифаларни ҳал этишга имкон яратадиган дастуриламал.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт омили, давлат бошқарувининг тамаддуний имкониятлари, ҳуқуқий асосланган очиқ фуқаролик жамияти қуриш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат, маънавий тараққиёт ва хавфсизлигини таъминлаш асослари, умумбашарий муаммоларни ҳал этиш усуллари китобда аниқ-тиниқ таҳлил этилган. Бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш асосида мамлакатимизда яшаётган фуқароларнинг яшаш тарзини янги босқичга олиб чиқишдаги устувор вазифалар белгиланган берилди.

Инсоният дунёсининг буюк ёритқичи

Китобнинг “Маънавий тараққиёт” бобида “Инсоният дунёсининг буюк ёритқичи — маънавий чироғи бор”, дея таъкидланади. Дарҳақиқат, маънавият чироғи одамнинг онгу тафаккурини ёритиб, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради, яъни жамиятдаги барча ислохотлар мазмун-моҳиятини белгилайди.

Президентимизни ташвишга солаётган муаммолардан бири — терроризм, трансмиллий ва кибержониятчилик, одам савдоси, наркотиклар таҳдиди, ахборот хуружи, турли бузғунчи ва ёт ғояларнинг чегараларни бузмасдан секин-аста ҳаётимизга кириб, покиза қалб эгаларининг онгани забот эта бошлаган бир маҳалда одамлардаги лоқайдлик ва бепарволик.

Бу йилгата бутунлай барҳам беришинг ягона йўли илм ва маърифатдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Илмга асосланмаган соҳанинг келажаги бўлмайди”. Илм, фан, санъат ва маданиятни ривожлантириш баробарида маънавий тарбияни тўғри йўлга қўйиш, энг таъсирчан, энг тезкор восита ҳисобланган оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш, турли салбий ҳолатлар моҳиятини илмий асосда таҳлил этиш устувор вазифа саналади. Ўзбекистоннинг

маънавий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш, миллий-маънавий мерос ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, имон-эътиқод билан ҳалол, пок яшаш тамойилларини сақлаб қолиш ҳамда юксалтириш мазкур стратегиянинг ажралмас қисмидир.

Маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, аҳоли, жумладан, ёшларнинг ақлий салоҳияти, фикри, дунёқарашини юксалтириш, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва бадий ижод соҳалари, маданият ва спорт муассасалари, театр ва музейларнинг маънавий тарбия тақомилидаги таъсирини ошириш, пиروард натижада “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини тайёрлаш имконини беради.

Глобал макондаги ўзаро рақобат

Турли сиёсий, иқтисодий, ғоявий қармоқ-қаршиликлар низога авж олган, геосиёсий ва мафқуравий жараёнларнинг салбий таъсири ошган бир паллада маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш талаб этилади. Миллий қадриятлар, азалий мерос бўлган одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига, ахлоқсизлик, беодоблик, бетгачопарлик, ўзини ўта замонавий ҳисоблаб, кўр-кўрона ғарб маданиятига эргашиш каби ҳолатларга шунчаки қўл қовуштириб қараб туриб бўлмайди. Очиғини айтганда, ёшларга замонавий глобал тизим — Интернет ва уяли телефондан фойдаланиш китобдан кўра кўпроқ таъсир кўрсатаётгани рост.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **болаларимизни ота-она, боғча, мактаб ёки институт эмас, аксарият ҳолларда қўлидаги телефон тарбиялам**оқда. Инсон тафаккурига кучли таъсир кўрсатувчи воситалар ичида оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение катта таъсир кучига эга. Чунки унда жонли тасвир, яъни инсон хатти-ҳаракати,



овози ва кўрсатилётган мавзу таъсирини кучайтирувчи мусиқа каби қатор элементлар бор. Газета-журнал, китоб ёки радио-да бу воситалар йўқ.

Ойнаи жаҳонни барча ёшдаги кишилар томоша қилади ва ундан ҳар ким ўзича маъно туяди, ҳулоса олади. Шу нуқтаи назардан, телевидение каналлари орқали эфир юзини кўраётган кўрсатувларни қатъий тартибда назоратга олиш зарурати бор, назаримда. Хусусан, нодавлат телеканаллардаги айрим савиясиз, саёз, бачкана, кишининг асабига тегадиган кўрсатувларга чек қўйиш лозим. Сабаби савияси паст, маънан қашшоқ кўрсатув ё сериал орқали бутун бир жамиятнинг маънавий қадриятларини поймол қилишга, хориж “оммавий маданият” унсурларини тарғиб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бугун мавжуд телеканалларда хорижий фильмлар билан бир қаторда миллий сериаллар ҳам кенг намойиш этиляпти ва улар катта аудиторияни қамраб олмоқда. Аммо уларнинг савияси қай даражада,

деган саволлар туғилиши табиий. “Қодирхон”, “Сенсиз-1”, “Сенсиз-2”, “Ифора”, “Ришталар”, “Нотаниш”, “Бахт овчилари”, “Исканжа”, “Мени асра”, “Қадам”, “Туғмас”, “Осиё”, “Интиқом”, “Тузоқ”, “Афсус”, “Жумбоқ”, “Қора атиргул”, “Садоқатсиз” каби “миллий” мақоми остида намойиш этилаётган сериалларнинг кўпайётгани табиий ҳол. Сабаби, замон шиддат билан ўсяптими, ўз-ўзидан кино санояти ҳам унга ҳамоҳанг тарзда ривожланмоқда. Муаммо сериалнинг кўпчилигида эмас, унинг мазмунан саёзлиги, савиясизлиги

маънавий ва миллий қадриятларга мос бўлса, замона руҳини ўзида акс эттирса, томошабин уни узоқ вақт хотирасида сақлайди. Умуман, илмда сарлавҳа ғоянинг туб моҳиятини ифодалаши шарт. Шу нуқтаи назардан, таниқли адибларимиз, шоиру журналистлар ўз асарларининг сарлавҳасига алоҳида эътибор қаратган.

Бугун телеэкранларда намойиш этилаётган сериал ёки бадий фильмларнинг баъзиларида айна шу тамойилга эътибор берилмапти. Жумладан, сериалларнинг “Бепушт”, “Туғмас” каби номланшининг ўзидек миллий маънавий қадриятларимизга зиддир. Шарқона тарбия кишининг камчилигини бетгачопарлик билан, беҳаёлларча айтишга, дақиқи беришга, камситишга асосланмаган. Фарзанд кўриш ё кўрмаслик фақат бандга боғлиқ эмас. Азалдан бизда фарзанд кўрмайдиган аёлларга “туғмас”, эркакларга “бепушт” деб танбёҳ берилмаган. Бу одобсизлик, тарбиясизлик белгиси ҳисобланган. Ҳозирги сериаллар сценарийсини ёзаётган муаллифлар Шукур Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Ўткир Хошимов, Эркин Аъзам каби таниқли ижодкорлар асарларини муталаа қилиб, Юсуф Розиков, Зулфигор Мусоқов, Жаҳонгир Қосимов, Хилол Насимов каби кинорежиссёрлар фильмларидан ибрат олсалар бўларди. Албатта, ҳар бир ижодкор ўзига хос бўлишга интилади. Аммо бу ўзига хослик эндигина мураккаб ҳаёт сўмоқларидан юртини урганаётган ёшларни йўлдан адаштирмаслиги керак.

Ҳамжиҳатликда ҳал эта оламиз

Янги Ўзбекистонда маънавий янги-ланши мафқуравий, тўғрироғи, фикр тарбияси миллий ва умуминсоний қадриятлар риштаси билан бевосита боғлиқ. Сир эмас, бугун мураккаб геосиёсий ва мафқуравий жараёнларнинг одамларга салбий таъсири ортиб, кишиларнинг қалби ва онгини ағдлашга бўлган ахборий кураш авж олган. Айни шу паллада ғоявий Ҳимоянинг борасида айрим кемтик жиҳатлар кўзга ташланади: аввало, ғоявий Ҳимоянинг масаласи тор илмий дорада тадқиқ этилиб, фикрлар хилма-хиллиги шароитида турли мафқуравий полигонлар таъсиридаги жараёнларни англаш ҳолати суст.

Қолаверса, турли бузғунчи, ёт ғояларга қарши қатъий кураша оладиган самарали механизм шаклланмаган. Бу борада масъул ташкилотлар, фуқаролик институтлари ва оммавий ахборот воситалари биргаликда фаолиятини янада кучайтириб, фаол фуқаролик позициясига, креа-

тив ва инновацион фикрлашга эга бўлган замонавий шахсларни тарбиялашнинг концептуал асослари ва амалий фаолият мезонларини ишлаб чиқиши керак.

Кези келганда айтай. Бундан 7-8 йил олдин мамлакатдаги барча олий таълим муассасалари маънавий-маърифий фаолиятини Республика Маънавий ва маърифат маркази билан биргаликда бамаслаҳат ташкил этарди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси барча маънавий-маърифий ишларни таҳлил этиб, назорат қилган. Фикримча, маънавий-маърифий ислохотларга эътибор қаратилган айни даврда олий таълим муассасаларининг юқоридаги марказ ва унинг жойлардаги бўлимлари ўртасида ўзаро ҳамкорлиги янада кучайтириш зарур. Шунинг учун бугун олий таълим муассасаларида диний-маърифий, ҳуқуқий масалалар ечимида муаммолар вужудга келмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этишда соҳа вакилларининг иштироки, илгор маърифий тарбиячиларнинг йўл-йўриги, кўрсатмаси жуда зарур.

Президентимизни ташвишга солаётган ўта муҳим масалалардан яна бири — болаларимизнинг таълим-тарбияси. Жорий йилнинг 5 апрель кунини ўтказилган видео-селекторда ҳам бу масаланинг ечими борасида вазифалар алоҳида таъкидланди. Шиддатли, мураккаб замонада таълим-тарбия тизими мавжуд маънавий таҳдидларга қарши тура олмапти. Юқорида айтганимиз — болаларимизни “тарбиялаётган” телефондаги иллатлар вирусига қарши имунитетни шакллантиришнинг икки йўли бор: бири фарзандларимизга пухта билим, яхши тарбия ва одоб бериш. Иккинчиси, маҳалла + ота-она + мактаб тизимидан самарали фойдаланиш.

Дарҳақиқат, нуруний отахон онахонлар, дуоғўй қарияларимиз, ҳурмат-иззатли кексаларимиз бор жойда уруш-жанжал, безорилик, ҳар турли кўнгилсизликлар бўлмайди. Оиаларда фойз-баракка, хотиржамлик, аҳил-иноқлик, меҳр-муҳаббат ҳукмрон бўлади. Маҳалла фарзандларимизда ҳалол меҳнат қилиш, ўз гузари, қишлоғи, маскани ва юртини озода сақлаш, асраб-авайлаш кўнимаси шаклланишига ҳимоят қилади.

Энг муҳими, ёш авлод тарбияси, ҳалқ сифатидаги миллий маънавиятимиз билан боғлиқ доимий долзарб масалалар ҳеч қачон “иқкинчи даражали” деб ҳисобланмаслиги, “эртанги кун”га қолдирилмаслиги керак. Мамлакат, эл-юрт тақдирига лоқайдлик билан қарашга кўнканан онгни ўзгартириш учун эса жуда кеч бўлиши мумкин. Ҳеч қачон долзарблигини ва аҳамиятини йўқотмайдиган ёшлар маънавияти, илм ва маърифат масалаларини ўзаро ҳамжиҳатликдагина ҳал эта оламиз.

ДОСТОНЛАР БАҒРИДАГИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР



БОҚИЙ МЕРОС

Тошкентбой ПАРДАЕВ,
Республика бахшичилик санъати маркази
давлат муассасаси бош мутахассиси

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан 2019 йил 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида I халқаро бахшичилик санъати, 2021 йил сентябрь ойида эса Нукус шаҳрида II халқаро бахшичилик фестивали бўлиб ўтди.

Президентимизнинг ушбу фестиваль очилиши муносабати билан иштирокчиларга йўллаган табригида “Халқ озгачи ижодиётининг қадимий турларидан турли бахшичилик санъати юксак гуманизм ғояларини, тинчлик ва дўстлик, адолат ва ҳақиқат каби эзгу қазилатларни маҳорат билан тараннум этади”, дейилади.

Дарҳақиқат, халқ достонлари халқимизнинг узоқ даврлик тарихини ўзида мужассам этган, қадрият ва аъёналаримизни бағрида жамлаган ноёб қадриятлар саналади.

“Алломиш” достони ҳам ана шундай буюк халқ эпоси бўлиб, жуда катта маънавий хазина, теран тарбия воситасидир. Ушбу достон ўз мазмун-мо-

ҳияти билан сеғи ва садоқатга, ор ва номусга, мардлик ва шижоатга, меҳр ва оқибатга бағишлаб қўйилган гўзал қасида саналади. Унинг туб ўзагида миллатимизнинг ўзига хос гурури, орияти ётади.

Марказий Осиё халқларининг тарихи ва этнографияси юзасидан салмоқли тадқиқотлар олиб борган машҳур венгер шарқшуноси Ҳерман Вампер мазкур жараёнга тўхталиб, шундай ёзади: “Ўрта Осиёда бир-бирини севган ёшлар ҳам, қариялар ҳам, аскарлар, чўпонлар ва диндорлар ҳам баробар бадий ижодга қизиқади. Айниқса, улар оч бўлса ҳам, чарчаган бўлса ҳам қўшиқ қилаётган бахшининг ёнидан тўхтамай ўти олмади. Достонларнинг аксарияти узундан-узув бўлиб, бир неча кеча ёддан айтилади”.

Кўриниб турибдики, бахшилар халқнинг улуғ тарбиячилари саналган. Шу боис, бахшиларга қадимий туркий элларда мураббий сифатида муносабат билдирилган бўлса, не ажаб.

“Алломиш” достонида тараннум этилган воқеалар Бойсун-қўнғирот элида кечгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. “Алломиш” достонининг Фозил Йўлдош уғлидан ёзиб олинган вариантыда Алломиш, яъни Ҳакимбекнинг келиб чиқишига “ўн олти уруғ қўнғирот” еридан деб таъриф берилади.

*Ўн олти уруғ Бойсун-қўнғирот элида
Илгари пайдо бўлди Добонбий,
Добонбийдан пайдо бўлди Алпинбий,
Алпинбийнинг уғли эди Бойбўри билан Бойсарийбий.*

“Алломиш” достони устида олиб борилган фольклоршунослик ва этнографик тадқиқотлардан шу аниқланадики, Алломишнинг отаси Бойбўрибий қўнғирот элининг қўшамғали уруғидан бўлса, онаси Кунтуғмишхоним тортувли уруғидан экан.

Достонда қўнғирот уруғига ҳам ўзига хос таъриф берилади: “Одамлар уруғ-уруғ, ҳар уруғда бир йўриғ, ўзларига бор бўлди. Яратгани ёр бўлди, душманлари хор бўлди. Шу уруғлар қаттасини қўнғирот дер эди, қўнғиротлар хаддиди зўр эди, ашаш жойи дала-қир эди, ниятлари бир эди, ҳамиша чорва ғамини ер эди”, деб таърифланади. Алломишнинг шарҳасига эса қўнғиротга уруғ бериб ўтилган:

*Қўнғирот зўр эл бўлган,
Яйлови кенг чўл бўлган,
Шўра, янтоқ мўл бўлган,
“Олпмиш туртпта” хил бўлган.*

Эътибор берсак, мазкур парчада қўнғирот қавмининг асосий бўғин ва қисмлари 64 та деб таъриф бериляпти. “Алломиш” достони ор-номусини улуғлаган эпос сифатида ҳам ўзига хос ўринга эга. Достоннинг ўзигада Бойбўри билан Бойсарий ўртасидаги зиддиятга закот эмас, балки ор талашиш масаласи асосий мотив қилиб олинган.

Бойбўри Алломишнинг мактабга бергач, ундан бахил ва саҳий ҳақида сураш билан боғлиқ суҳбат асосида бахилнинг таърифини билиб олади. Сўнгра, укам Бойсарининг шунча моли бор, шунча мол билан закот бермай, бахиллар сафига кириб қолмасин, деган ўй билан укасига закот солади. Бойсарига ўз акасининг закот солиши бироз оғир ботади. Гўёки, акам ўғилли бўлибди, ўғли ўқиб мулло бўлибди, менга закот солиб, ўғилсизлигимни билдирибди, деган шубҳага боради. “Ўз элимда ўзим закот бергунча, ўзга юртда жиза бериб юрайин”, деб закот масаласини кўнглига қаттиқ олади. Кўриниб турибдики, бу ерда ака-ука ўртасидаги ор талашиш масаласи достоннинг асосий тугуни бўлиб хизмат қилган.

Ёки Барчин қалмоқ элида қолганда, унга тўқсон алпдан совчи келганда, Барчин қалмоқнинг бирортасига тегиб кетавермайди, аксинча, Алломишга “Қалмоқнинг элида қолдим, Зўр ёвнинг қўлида қолдим, Алломишнинг мендан умиди бўлса ё келиб қутқарсин ёки жавобимни берсин”, қабилда мактуб йўллаб, бу масалада ҳам унинг ориятини синамоқчи бўлади.

Алломиш қалмоққа боргач, Барчин унинг этагидан тутиб кетавермайди, балки Алломишга ҳам, ундан умидвор бўлган тўқсон алпга ҳам узининг ўша машҳур тўртта шартини қўяди. Қолаверса, Алломишнинг синглиси Қалдирғоч ҳам акасини ўз ёрини қўтқаришга, дадилликка, жасурликка қўрлаб, *“Мурд ўлмайди, ёрини ғаним олама”*, деб акасига доно маслаҳатлар беради.

Достонда жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга ҳикматли сўз ва иборалар ҳам борки, улар халқимизнинг асрлар оша тўплаган тажрибаси ва сабоқларининг ҳисолисидир. Масалан, достон матнidan қуйидаги ҳикматли сўзларни ўқиб мумкин: “Яхши кўрмоқ — қўлар учун бир қувонч”, “Эркак ори билан, қўй томоғи билан”, “Харакатда баракаат”, “Бир яхшиликда ва бир ёмонликда ҳикмат бор”, “Бекорчида ақл йўқ”, “Марднинг ўлиғи номарднинг тиригидан устун”, “Элга эл қўшилиса — давлат”, “Бир яхшининг бир ёмони, бир ёмоннинг бир яхяиси бор”, “Давлатинг кетса-кетсин, ор-номусинг кетмасин”, “Синамадан отнинг сиртидан ўтма”, “От тепмайди, ит қолмайди, деб ўйлама”, “Обрўни мисқолаб йиғасан, кетса ботмонлаб кетади” ва ҳоказо. Достонда шунга ўхшаш қўллаб ҳаётий ҳикматлар жамлангани, булар қанча замонлар ўтса-да, инсоният қанча олдинга илгариласа-да, ўз аҳамиятини йўқотмайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер маҳкамасида сақланган.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма I-764.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Навбатчи муҳаррир: Баҳорат Юнусова
Мусаҳҳис: Умар Қодиров
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй